

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИННИГ МЕДИА МАРКАЗИ ИМКОНИЯТЛАРИ



Алишер КАТТАБЕКОВ,
Республика йиғма электрон каталог марказининг
Ташқи алоқа ва техник таъминот
бўлими етакчи мутахассиси

This article discusses the work of the media center and its automated system and the integrated web portal created in the National Library of Uzbekistan. In particular, the integrated web portal, combining the largest information and library institutions of the republic, allows users to search for information from a wide range of databases.

Маълумки, илм-фан ривожланишида китобнинг, китобга маскан бўлган кутубхонанинг ўрни бекиёс. Олимларнинг илмий изланишлар олиб бориши, зарур ахборот ва маълумотлар олиши учун бугунги замонавий кутубхоналарда барча шароитлар муҳайё этилган бўлиши керак. Айниқса, кутубхона фаолиятининг асосий жараёнлари – ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, сақлаш, қидириш ва истеъмолчига тақдим этишда замонавий телекоммуникация каналлари воситасида электрон технологияларни қўллаш самарали натижалар беради.

Кўплаб ривожланган мамлакатларнинг замонавий кутубхоначилик соҳасига, электрон кутубхоналаридағи иш фаолияти ва кутубхонани бошқариш тажрибаларига назар ташласак, уларда мавжуд имкониятларнинг мамлакат ижтимоий-иктисодий салоҳиятини оширишда алоҳида ўрни ўрни борлигини кўрамиз. Худди шу тамойил асосида кутубхона ва китобхонлик савиясини ошириш, мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишини таъминлашда илм-фангга бўлган эътиборни кучайтириш натижаси ўлароқ, Ўзбекистонда ҳам Жанубий Корея давлатининг илфор тажрибаси асосида республикамиздаги йирик ахборот-кутубхона муассасаларини бирлаштирувчи Медиа марказ ташкил этилди.


Бугунги кунда фойдаланувчиларга замонавий, сифатли ва тезкор хизмат кўрсатиш мақсадида электрон кутубхонада мультимедиа ўқув заллари, видео-худуд, имконияти чекланган фойдаланувчилар учун маҳсус ўринлар, рақамлаштириш маркази, аудио ва видео студиялар ишламоқда.

Рақамлаштириш хонасида турли хил турдаги сканер, микроплёнка қурилмалари, кесиш ва

елимлаш дастгоҳлари ўрнатилган. Бу қурилмалар орқали нафақат электрон кутубхона материалларини, балки турли хилдаги материалларни рақамлаштириб, электрон ҳолатга келтириш мумкин. Бу электрон ҳолатдаги маълумотлардан e-book, веб-портал ва автоматлаштирилган кутубхона тизимлари орқали кутубхона фойдаланувчиларига нафақат бино ичida, балки масофадан туриб ҳам хизмат кўрсатишни таъминлаш мумкин.

Мултимедиа хоналарида жойлашган аудио ва видео студиялари электрон кутубхонада олинган видео тасмаларга ишлов бериш, турли хил роликларни тасвирга олиш, тасмаларга турли чет тилларida субтитрлар кўшиш ва овозлаштириш имкониятини берувчи замонавий қурилмалар билан таъминланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича илгари сурилган 5 муҳим ташаббусдан бири – “ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиши” ғояси асосида қилинган биринчи улкан қадам натижасида яратилинган мазкур замонавий электрон кутубхона бўлди, десак асло янглишмаймиз. Миллий электрон кутубхона мамлакатимизда илм-фанни ривожлантиришда олимларга, уларнинг тадқиқотлар олиб боришида энг яқин ёрдамчи сифатида кўмаклашади. Айниқса, электрон кутубхонанинг веб-портали дунёдаги етакчи илмий кутубхоналар билан тўғридан-тўғри боғланиш, зарур манбалардан тўсиқсиз фойдаланиш имконини бериши билан ажralиб туради (1-расм).



1-расм. natlib.uz веб-порталининг бош саҳифаси

Фойдаланувчилар томонидан ушбу веб- порталдан рўйхатдан ўтишнинг уч хил усули мавжуд:


1. Кутубхонанинг аъзолик билетига эга бўлган ҳолда. Бунда аъзолик билетидаги ID рақамини веб- порталнинг кириш саҳифасида сўралган логин ва парол майдончаларига киритиш лозим (ID рақами иккала майдонга ҳам бир хил киритилиши керак).

2. Веб- порталдан рўйхатдан ўтиш фойдаланувчининг ўзи томонидан амалга оширилади. Бунда фойдаланувчи веб- порталнинг тела ўнг қисмидаги рўйхатга ўтиш тугмасини босиши ва ўша саҳифада сўраладиган барча майдончаларни шахсий маълумотлари асосида тўлдириши керак бўлади. Барча маълумотлар фойдаланувчи томонидан тўлиқ киритилганидан сўнг рўйхатга олиш тугмаси босилади ва шу билан рўйхатга олиш муваффақиятли амалга оширилганлиги тўғрисида хабар олинади.

3. Фойдаланувчи id.gov.uz sayti орқали рўйхатдан ўтган шахсий электрон рақамли имзоси ёрдамида тизимга киради. Бунда фойдаланувчига электрон рақамли имзоси юклangan флеш диск керак бўлади.

Медиа марказда сканерларнинг иш қувватидан келиб чиқиб 1 йилда ўрта ҳисобда 149606820 саҳифа рақамлаштирилади. Автоматлаштирилган ахборот-кутубхона тизими орқали рақамлаштирилган босма ресурслар ва библиографик ёзув билан боғланган тўлиқ матнли маълумотлар базаси веб- порталга юклаб борилади. Электрон кутубхонанинг интегралашган веб- портали 21 та ахборот-кутубхона муассасаларини қамраб олган бўлиб, хозирги кунда мазкур веб- порталда 49 мингдан ортиқ электрон китобларнинг тўлиқ матнли базаси мавжуд. Портал (natlib.uz)га мурожаатлар сони эса (01.09.2019 дан 23.12.19 ҳолатига кўра): 33 230 тани ташкил этади (2-расм).

ТҮЛИҚ МАТНЛИ ЭЛЕКТРОН РЕСУРСЛАР СОНИ



2-расм. Интеграллашган веб-порталда мавжуд тўлиқ матнли электрон ресурсларнинг умумий сони (13.12.2019 йил ҳолатига кўра)

Бундан ташқари, веб-портал бошқа электрон ресурслар базалари билан ҳам боғланган бўлиб, ушбу базалардан ҳам маълумотларни қидириш имконияти яратилган. Булар:

diss.natlib.uz – 23465 та диссертациялар ва ато рефератлар,

press.natlib.uz – 16536 та газета ва журналлар,

nodir.natlib.uz – 4619 та қўлёзма ва нодир нашрлар,

qr.natlib.uz – QR-кодли 180 та дарслик, ўқув қўлланма ва бадиий адабиётлар,

media.natlib.uz – 261 та аудио ва видео материаллар,

Хорижий электрон базалардан юкланган 4982 тадан ортиқ жами 99891 та электрон ресурслардан фойдаланувчилар веб- портал орқали рўйхатдан ўтган ҳолда фойдаланиши мумкин (3-расм).


The screenshot shows the Natlib.uz website's search interface. At the top, there are navigation tabs: KUTUBXONA FAOLIYATI, KUTUBXONA HAQIDA, MUTAXASSISLAR UCHUN, KUTUBXONA XIZMATI, MENING KUTUBXONAM, and QIDIRUV. Below the tabs, there is a search bar with the placeholder 'Integratsion qidiruv'. To the right of the search bar is a magnifying glass icon. On the left side of the search bar, there is a dropdown menu with options: Integratsion qidiruv, Umumiy qidiruv, Saytda qidirish, O'zbekiston Milliy kutubxonasi audio video portalı, Yig'ma Elektron Katalog, Ilmiy ishlar bo'yicha qidirish, Qo'lyozmalar va nodir nashrlarni qidirish, Nashrlarning statistik xisobi, and Digitized card catalog. Below the search bar, there is a purple banner with the text 'Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston Milliy kutubxonasi'. At the bottom of the banner, there is a link: 'O'zbekiston Milliy kutubxonasining Natlib.uz portalini foydalaning!!!'. The main content area shows a blurred image of the National Library building.

Веб- портал фойдаланувчиларга қўйидаги хизматларни тақдим этади ва ҳар бир китобхон бу хизматлардан эркин фойдаланиш имкониятига эга:

- веб портал тизимида рўйхатдан ўтиш;
- каталоглар, картотекалар тизими ва ахборотлар беришнинг бошқа шакллари орқали АҚМ фонди таркиби тўғрисида тўлиқ ахборот бериши;
- китубхонанинг ҳаёти тўғрисида ҳар куни бериб

бориладиган янгиликлардан боҳбар бўлиш;

- турли сўровномаларда иштирок этиш;
- матбаа асарлари ва бошқа хужжатларни қидириш ва танлашда маслаҳат ёрдами кўрсатиш;
- библиографик шарҳлар қолдириш;
- юқори сифатли медиа материалларини томоша қилиш ва қулай ҳажмларда юклаб олиш;




- китобхонларга кутубхоналарро абонемент бўйича, шу жумладан, электрон почтадан фойдаланган ҳолда хизмат кўрсатиш;

- ўқув залларида, абонементларда ҳамда ягона китобхон билети бўйича китоблар беришнинг бошқа пунктларида, якка тартибда ва гурухлар бўйича хизмат кўрсатиш усувларини қўллаган ҳолда, фойдаланувчиларга табақалаштирилган хизмат кўрсатиш;

- фойдаланувчиларга автоматлаштирилган режимда тезкорлик билан турли хизматлар кўрсатиш имконини берадиган республика йиғма электрон каталогларини тақдим этиши;

- веб-портал қидирив тизимидан тезкор ва самарали фойдаланиш (интеграллашган 21 та ахборот-ресурс муассасаларининг маълумотлар базаси асосида) (4-расм);



4-расм. Интеграллашган веб-портал тизимидағи кутубхоналар

- 49 мингдан зиёд рақамлаштирилган тўлиқ матнли электрон нашрлардан фойдаланиш;

- китоблар учун буюртмалар бериш;

- мавжуд маълумотлар базаларида: диссертациялар, тўпламлар, электрон каталог, қўлёзма ва нодир нашрлар, газета ва журналлар, QR-кодлари

бўйича дарсликлар, жаҳон ва ўзбек адабиёти намуналари, Springer, Ebsco ва бошқа хорижий электрон маълумотлар базаларидан ахборот қидириш.

Автоматлаштирилган электрон кутубхона шундай тизимки, унинг вазифалари, кўрсатиладиган хизматлар компьютерлар, серверлар, дастурий таъминот, ташкилий-техник ва телекоммуникация воситалари ёрдамида амалга оширилади.

Мутахассис ходимлар учун яратилган ушбу автоматлаштирилган тизим 4 та асосий модулдан иборат, яъни: комплектлаш (фондларни бутлаш), каталоглаштириш, китоб олиш/бериш ва умумий модуль.

Тизим қуидаги имкониятларга эга:

- * фойдаланувчиларни рўйхатга олиш;
- * тизимни тўртта тилда бошқариш имкони;
- * веб-портал билан интеграллашув;
- * библиографик ёзувларни MARC стандарти асосида импорт/экспорт операциялари орқали тизимдан-тизимга кўчириб ўтказиш;

* штрих кодлар ва RFID технологияларидан фойдаланган ҳолда бир вақтнинг ўзида бир неча китобларни бериш ва қайтариб олиш;

* электрон каталог базасига янги библиографик ёзувларни тез ва қулай киритиш;

* мавжуд библиографик ёзувларни дубликатга текшириш, уларни қидириб топиш, хато тўлдирилган библиографик ёзувларни қайта таҳрирлаш ёки ўчириб юбориш;

* фондларни тўлдириш манбаларини мустақил равишда белгилаш (АКМлар ҳамда республикадаги бошқа муассаса ва ташкилотлар билан китоблар ва электрон ресурслар айирбошлишни, шунингдек, заруратга кўра хорижий мамлакатларнинг кутубхоналари ва ташкилотлари билан халқаро китоблар ва электрон ресурслар айирбошлишни амалга оширади);

* фондларни ҳисобга олиш ва жойлаштириш, уларнинг сақланганлигини, сақлаш режимини, ҳужжатлар нусхасини олишини ва электрон форматга кўчиришни таъминлаш;

* тизимда мавжуд ходимлар рўйхатини шакллантириш, уларни назорат қилиш ва бошқариш;

* ахборот-кутубхона муассасасининг статистик маълумотларини юритиш ва ишлов беришга мўлжалланган администратор модули.

Ахборот-кутубхона муассасалари учун яратилган ушбу дастурий тизим республикамиз ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари ходимларининг иш фаолиятини самарали ташкил этиш ва фойдаланувчиларга кенг миқёсдаги хизматлар кўрсатиш имкониятини бериб келмоқда.


Автоматлаштирилган тизим орқали йил давомида бажарилган ишлар мунтазам равишда назорат қилиниб борилади. Тизимнинг яна бир қулай имкониятларидан бири шуки, тизим ҳар бир бўлим бўйича бажарилган ишлар юзасидан кунлик, ойлик ва йиллик статистикаларни автоматик равишда ўзи юритиб боради. Бу эса ҳар бир бўлим мутахассис ходимининг бажарган ишлари ҳисоботини юритишига кетадиган вақтини қисқартиради ва иш фаолияти

самарадорлигини янада оширади.

Хусусан, каталоглаштириш жараёнида ҳар бир ходим ўзига юкландан вазифаларни муваффақиятли бажариши натижасида 2019 йилда 92124 дона нашрларнинг библиографик ёзувлари яратилди ва қайта таҳрир қилинди. Ушбу жараён Миллий кутубхона бош мутахассислари томонидан доимий равишида назорат қилиб борилди.

Йил давомида автоматлаштирилган тизимнинг асосий модуллари орқали қуидаги ишлар бажарилди:

- 92124 дона библиографик ёзув яратилди;
- 70840 нафар китобхонларга аъзолик билетлари тақдим этилди;



5-расм. Фойдаланучиларни рўйхатга олиш

Автоматлаштирилган кутубхона тизими рўйхатга олуви ходимнинг фойдаланувчиларни рўйхат олишини осонлаштириши билан бир қаторда унга кетадиган вақти қисқартириди ва китобхонларнинг кутубхонага аъзо бўлишини кўпатириди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг natlib.uz портали республикамиз аҳолисини, айниқса ёшларни, ҳеч қандай тўсиқсиз электрон адабиётларни ўзларига қулай бўлган вақт ва жойда излаб топиб, мутолаа қилиш имкониятини беради. Шунингдек, барча ўқув муассасаларида таълим жараёнида ўқувчи ёшларнинг билим олиши учун зарур бўлган дарсликлар, диссертациялар базалари, мамлакатимиздаги ҳамда хорижий электрон базаларга кириш ва уларда мавжуд бўлган электрон ресурслардан масофадан туриб фойдаланишда кенг имкониятларни тақдим этади. Ҳозирда тизимга бутун республика бўйича ахборот-кутубхона муассасалари бирлашган бўлиб, барча ахборот-кутубхона марказлари ўзининг янгиланган порталида ўз фаолиятини олиб бормоқда. Яқин келажакда республикамиз ҳудудида янгидан ташкил этилган 186 та ахборот-кутубхона марказларини ҳам мана шу тизимга бирлаштириш кўзда тутилган.